

(тахминан 1730-1790)
(1770-1790)

Хива хонлигини идора килган кўнгирот сулоласи асосчиси. Иноклардан Мухаммад Амин иноклик лавозимига кўтарилган. Туркманларнинг ёвмут ва човдур кабилаларига қарши кураш олиб борган, лекин муваффақиятсизликка учраб Бухорога, Дониёлбий оталик ёнига кетган. Хоразмни бутунлай эгаллаб олган ёвмутлар Хива тахтига Гўйибхоннинг ўгли Жахонгирхонни кўтарганлар. Унинг даврида (1769-1770-йиллар) беш қалъа (Хазорасп, Хонка, Урганч, Кат ва Шохобод)да очарчилик ва вабо таркалиб ўзбеклар Орол ва Бухорога кетганлар. 1770-йил Мухаммад Амин инок Бухородан қайтиб келиб ёвмутларни Хоразмдан қувгин қилган, тахтга Абулхайрхоннинг ўгли Бўлақайхонни ўтказган. 1782-йилда Бухоро хони қўшинлари қўшинлари ҳужумини дафъ этади. Мухаммад Амин инок мустақил бекларни ҳам бўйсундирганидан кейин Хива хонлигида иқтисодий ҳаёт бир қадар жонлана бошлади. Ўзга юртларга қочиб кетган аҳоли аста-секин қайтиб кела бошлади.

Мухаммад Амин инок хон авлодидан бўлмагани учун тахтга қўғирчок хонларни ўтказиб, ҳокимиятни улар номидан бошқара бошлаган. Мухаммад Амин инок 20 йил мобайнида 13 март Хива хонини алмаштирган. Фақатгина Мухаммад Амин инокнинг набираси Элтузар (1804-1806-йиллар) 1804-йилда четдан чакирилган сохта хон Абулғозини тахтдан тушириб, ўзига хон унвонини қабул қилади. Хоразмлик тарихчилар (Мунис, Огахий, Баёний ва бошқалар) Мухаммад Амин инок хусусида анча илиқ фикр билдирганлар. Мухаммад Амин инок даврида Хива шаҳрида Мухаммад Амин инок мадрасаси қурилди (1765-йил), шаҳарнинг Нодиршоҳ босқинида вайрон бўлган девори ва дарвозалари қайта тикланди (1785-йил), Хиванинг Жоме масжиди қайта қурилиб, унинг ёнида чиройли минора қад қўтарган.